

**ШАХСНИНГ БУЗИЛГАН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ
МАҚСАДИДА ЮҚОРИ СУД ИНСТАНЦИЯЛАРИДА ДАСТЛАБКИ
ҲИМОЯ ЧОРАЛАРИНИ КЎРИШ ИНСТИТУТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

Саломов Хумоюн Бобурмирзо угли

Ўзбекистон Республикаси

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси

***Аннотация:** Мақолада маъмурий судларнинг юқори нстанцияларида шахснинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда мавжуд бўлган айрим муаммолар масаласига бағишланиб, юқори инстанциялар дастлабки ҳимоя чораларини кўриш ҳақидаги аризаларни кўриб чиқиш тартибини ҳамда мазкур институтни такомиллаштириш, унда шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масаласи таҳлил этилган. Суд тизимида дастлабки ҳимоя чораларини кўриб чиқишни жорий этилиши кенг жиҳатдан ёриб берилган.*

***Калит сўзлар:** Дастлабки ҳимоя чоралари, ўрта бўгин судлари ва муддатлар.*

**ISSUES OF IMPROVEMENT OF THE INTENTION TO TAKE
PRELIMINARY PROTECTIVE MEASURES IN THE HIGHER COURTS IN
ORDER TO ENSURE THE VIOLATED RIGHTS OF THE PERSON**

***Abstract:** The article is devoted to the issue of some problems in the protection of the rights of the individual in the higher institutions of the administrative courts, the procedure of consideration of applications for taking preliminary protective measures by the higher institutions and the improvement of this institution, the issue of protection of the rights and interests of the individual is analyzed. The introduction*

of the review of preliminary protective measures in the judicial system has been widely discussed.

Keywords: *Preliminary measures of protection, intermediate courts and deadlines.*

Мамлакатимизда суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш, уни фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи ҳокимиятнинг мустақил тармоғига айлантириш, уни ихтисослаштириш, жумладан мамлакатимиз тарихида янги ташкил этилган маъмурий судлар фаолиятини такомиллаштириш, суд томонидан идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг қонунийлигини текшириш масалалари бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш»³⁵ суд-ҳуқуқ тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, бу соҳани тадқиқ этиш долзарб аҳамиятга эгадир.

Хусусан, маъмурий судлар томонидан оммавий низоларни кўриб чиқишда аксарият ҳолларда аризачи тариқасида жисмоний ёки юридик шахслар томонидан мурожаат этилганда иккинчи томонда жавобгар сифатида давлат органлари, яъни маъмурий органлар иштирок этишади. Ушбу тоифадаги ишларда шахснинг мулкга бўлган ҳуқуқини бошқа шахсларга ўтиб кетишини олдини олиш мақсадида уни сақлаб қолиш ёхуд тиклаш суд процессининг муҳим жиҳатлардан бири ҳисобланади, сабаби шахс ўзининг бузилган ҳуқуқларини тиклашдан мақсади ўзининг мол-мулкни асраш ва сақлашдир.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юриш тўғрисидаги кодекснинг 92-98-моддаларида дастлабки ҳимоя чораларини қўллаш ва уни бекор қилиш тартиби берилган бўлиб, унга кўра, ишда иштирок

³⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.02.2017 йилдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

этувчи шахсининг аризасига кўра суд фақатгина дастлабки ҳимоя чорасини қўллаши ва унинг илтимосномасига асосан бекор қилиши мумкинлиги мустаҳкамланган. Шу муносабат билан кодексга “суднинг ташаббуси”ни қўшиш мақсадга мувофиқ. Бунинг натижасида аризачига етказилаётган зарарнинг ўз ўрнида олдиндан бартараф қилинишига эрилиши мумкин. Ваҳоланки, аризачи дастлабки ҳимоя чоралари ҳақида маълумотга эга бўлмаслиги мумкин, шу ҳолатда, суд вақтида фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга тўлақонли ҳақли деб ўйлаймиз. Дастлабки ҳимоя чораларини суд ўз ташаббуси билан қўлаганидан кейин, агар бунга зарурат бўлса, суд ўз ташаббусига кўра уни ўз вақтида бекор қилиш ваколатига ҳам эга бўлиши керак деб ҳисоблаймиз.

Мисол учун аризачи судга давлат ижрочисининг аризачига тегишли мулкни аукционга чиқаришда ифодаланган хатти-ҳаракатини ғайриқонуний деб топиш талаби билан маъмурий судга мурожаат қилади. Ушбу ҳолатда аризачи ўзининг МСИЮтКнинг 4-моддасида белгиланган (Ҳар қандай манфаатдор шахс ўзининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун маъмурий судга (судга) мурожаат қилишга ҳақли) ҳуқуқидан фойдаланиб судга мурожаат қилади ва суддан дастлабки ҳимоя чораларини кўриб унга тегишли мол-мулкни реализация қилишни тўхтатиб туришни сўрайди. Бунда аризачи учун бузилган ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш эмас балки имкон қадар унга тегишли бўлган мулкнинг аукционда сотилмай туриши мақсад қилинган бўлади.

Ушбу ҳолатда аризачи ўзининг бузилган ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш кафолатланганлигидан фойдаланиб ҳуқуқларини суиистеъмол қилади. Албатта судга мурожаат қилувчиларнинг бузилган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ёки ниқобланган мақсадларни амалга ошириш мақсад қилинганлигини бир-биридан ажратиш қийинчилик туғдиради. Бироқ ҳуқуқларнинг суиистеъмол қилиниши юқори бўлган низо тоифаларини ажратиш, бу бўйича алоҳида ёндашувларни амалиётга жорий қилиш, ушбу

тоифадаги низолар бўйича судга мурожаат қилишда тўланиши лозим бўлган давлат божи умумий миқдорда қабул қилинсада, иш якуни аризачи учун муваффақиятсиз бўлса оширилган давлат божи ундиришни амалиётга жорий қилиш мумкин. Бир қарашда бу аризачи учун суд орқали ўз ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши кафолатларига тўсиқ бўладигандек кўринсада, унинг асосиз равишда судга қилган мурожаати оқибатида учинчи шахсларнинг қонун билан кафолатланган ҳуқуқлари бузилаётганлигини тушуниш ушбу ёндашувнинг тўғри эканлигини тушунишга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси МСИЮТҚда қонунийликни таъминлаш, шунингдек фуқаролар ва юридик шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг энг самарали институтларидан бири бу дастлабки ҳимоя чорасини қўллаш институти ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2022 йилдаги маъмурий суд ишларини юритишда дастлабки ҳимоя чораларини қўллаш билан боғлиқ суд амалиётини умумлаштириш натижаларига кўра, 2022 йилнинг биринчи ярмида республика маъмурий судларига дастлабки ҳимоя чорасини кўриш тўғрисида 108 та (бу кўрсаткич мос равишда 2021 йилнинг биринчи ярмида 120 та) илтимоснома келиб тушган бўлиб, уларнинг 83 таси ёки 76,8 фоизи (99 таси ёки 82,5 фоизи) қаноатлантирилган.

Қаноатлантирилган илтимосномалар бўйича МСИЮТҚ 93-моддасида назарда тутилган дастлабки ҳимоя чораларини: 32 тасини ёки 38,5 фоизини (41 тасини ёки 41,4 фоизини) жавобгарга муайян ҳаракатларни амалга оширишни тақиқлаш; 18 тасини ёки 21,7 фоизини (5 тасини ёки 5,1 фоизини) бошқа шахсларга низо предметига тааллуқли бўлган муайян ҳаракатларни амалга оширишни тақиқлаш; 13 тасини ёки 15,7 фоизини (16 тасини ёки 16,2 фоизини) мол-мулкни реализация қилишни тўхтатиб туриш; 20 тасини ёки 24,1 фоизини (37 тасини ёки 37,4 фоизини) маъмурий органнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг низолашилаётган ҳужжати ижросини тўлиқ ёки қисман тўхтатиб туриш тўғрисидаги илтимосномалар ташкил этган. Судларга дастлабки ҳимоя чораларини қўллаш тўғрисида берилган 25 та ёки 23,1 фоиз

(21 та ёки 17,5 фоизи) илтимосномалар асосиз бўлганлиги учун рад этилган. Ушбу даврда дастлабки ҳимоя чорасини бекор қилиш тўғрисида 3 та (2021 йилнинг биринчи ярмида 15 та) ажрим чиқарилган бўлса, 8 та (2021 йилнинг биринчи ярмида 4 та) ҳолатда дастлабки ҳимоя чорасини бекор қилиш тўғрисидаги илтимосномаларни қаноатлантириш рад этилган. 2022 йилнинг биринчи ярмида дастлабки ҳимоя чораларини кўриш тўғрисидаги 4 та (2022 йилнинг биринчи ярмида 1 та) ажрим устидан апелляция шикоятни берилган бўлиб, уларнинг барчаси юқори инстанция судлари томонидан ўзгаришсиз қолдирилган. Шунингдек, ушбу даврда дастлабки ҳимоя чораларини кўришни рад этиш тўғрисидаги 1 та ажрим устидан кассация шикоятни берилган бўлиб, кассация инстанциясида ишни кўриш натижаси бўйича дастлабки ҳимоя чорасини кўришни рад этиш тўғрисидаги ажрим бекор қилинган.³⁶

Амалиётда судлар томонидан маъмурий суд ишларининг қонун ҳужжатлари асосида ҳал қилиш принципининг бузилиши ҳоллари кўп кузатилаётганлигини инкор қилиб бўлмайди. МСИЮТК 98-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларига кўра, ариза (шикоят) билан бирга берилган дастлабки ҳимоя чораларини кўриш тўғрисидаги ариза аризани (шикоятни) иш юритишга қабул қилиш ва иш қўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш билан бир вақтда, ишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилмасдан суд томонидан кўриб чиқилади. Агар дастлабки ҳимоя чораларини кўриш тўғрисидаги ариза иш юритиш жараёнида берилган бўлса, у келиб тушганидан кейинги кундан кечиктирмай кўриб чиқилади. Мазкур ҳолатда, аризачи биринчи инстанция судига дастлабки ҳимоя чорасини кўриш тўғрисидаги ариза билан 2021 йил 26 сентябрда мурожаат қилган бўлса-да, 2021 йил 25 сентябрда, яъни ариза берилган санадан олдинги санада ажрим чиқариб хатоликка йўл қўйган. Мисолда, аризачи “Йўлдош бобо Рахматов” фермер хўжалиги раиси У.Йўлдошев судга ариза билан мурожаат қилиб, Нарпай туман ҳокимининг 2021 йил 23 январдаги НQ-70/01-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топишни

³⁶ www.sud.uz

сўраган. Аризада дастлабки ҳимоя чорасини кўриш тўғрисида илтимос қилиниб, Нарпай туман ҳокимининг 2021 йил 23 январдаги HQ-70/01-сонли қарори билан У.Йўлдошевга ажратилган Нарпай туман Ғалаба массивидаги 143,145,146,147,148,149 ва 150-контурлардаги жами 31,1 гектар ер участкасини туман захира ер фондига қайтариш тўғрисидаги қарори ижросини тўхтатиб туриш сўралган. Биринчи инстанция судининг 2021 йил 15 майдаги ҳал қилув қарори билан аризачининг арз қилган талаби қаноатлантирилган. Аммо, биринчи инстанция суди томонидан аризачининг дастлабки ҳимоя чорасини кўриш тўғрисидаги илтимосномаси кўриб чиқилмаган ва илтимоснома бўйича муносабат билдирилмаган. МСИЮТК

94-моддасининг бешинчи ва олтинчи қисмларига кўра, дастлабки ҳимоя чораларини кўриш тўғрисидаги илтимоснома аризада (шикоятда) баён этилиши мумкин. Агар дастлабки ҳимоя чораларини кўриш тўғрисидаги илтимоснома аризада (шикоятда) баён этилса, мазкур илтимосномада ушбу модда иккинчи қисмининг 4 ва 5-бандларида назарда тутилган маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак. Шу сабабли, суд аризачининг дастлабки ҳимоя чорасини кўриш тўғрисидаги илтимосномаси унинг аризасида баён этилганлигидан келиб чиқиб, илтимосномани кўриб чиқиши ва уни қаноатлантириш ёки қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида ажрим чиқариши лозим эди. Хулоса ўрнида, шуни айтиш мумкинки, маъмурий суд ишларини юритишда маъмурий ишларни қонун ҳужжатлари асосида ҳал қилиш принципи, унинг маъмурий иш юритишнинг асосий раҳбарий қонидаси эканлиги, суд ишларни ҳал қилишда ўз фаолиятида муайян ҳуқуқий муносабатларга асосли қонун қоидаларини тўғри қўллаши кераклиги, иш бўйича қарор қабул қилишда суд фақат Конституция ва амалдаги қонунларга асосланиши ва низоли муносабатларни тартибга солувчи зарур қоидалар бўлмаса, суд қонун аналогиясини ёки қонун аналогиясини илмий асосланган талабларни ҳисобга олган ҳолда қўллаши белгиланганли, аммо бундай қоидалар бўлмаса қонунларнинг умумий асослари ва принципларига амал қилиши назарда тутилган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, юқорида амалга оширилган таҳлиллар, амалий хулосалар ва хорижий тажрибани ўрганиш давомида бир қанча назарий, ташкилий ва амалий тавсия ҳамда шу борада жамланган фикрларимизни келтириб ўтдик. Ишонамизки, келтирилган тавсияларимиз маъмурий ислоҳотларнинг туб моҳияти саналган фуқароларимизнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ўз ҳиссасини қўшади. Бунинг натижасида аризачига етказилаётган зарарнинг ўз ўрнида олдиндан бартараф қилинишига эрилишиши мумкин. Ваҳоланки, аризачи дастлабки ҳимоя чоралари ҳақида маълумотга эга бўлмаслиги мумкин, шу ҳолатда, суд вақтида фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга тўлақонли ҳақли деб ўйлаймиз.